

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ (МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

Тўхтабоев Хурматулло

ҚарДУ мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10002668>

Аннотация: Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон Миллий Университетида илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйилиши ва ривожлантирилиши тадбирлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Миллий университети, илмий салоҳият, моддий-техник база, бозор иқтисодиёти, фан.

Республика фани ва илмий инфратузилмасининг таркибий қисми ҳисобланган Ўзбекистон олий ўқув юртлари, хусусан, университетларда жамланган илмий салоҳият, унинг моддий-техник базаси юқоридаги вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, тарихдан маълумки, собиқ иттифоқ даврида айнан университет тизими республика илмий салоҳиятининг шаклланиши ва ривожланишига асос солган. Лекин собиқ иттифоққа хос бўлган муаммо ва камчиликлар ҳамда йиллар давомида шаклланиб келган Ўзбекистоннинг бир ёқлама ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари республика илмий салоҳиятида ҳам ўз ифодасини топди. Натижада, ўтган асрнинг 90-йиллари бошига келиб, республикадаги илмий-техникавий ҳолатнинг даражаси, илмий салоҳиятнинг аҳволи бу соҳада катта муаммолар тўпланиб қолганидан далолат берар эди¹.

Президентнинг 1992 йил 8 июлдаги «Илм-фаннинг инновация фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони² қабул қилиниши илмий-техник салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу фармон бозор иқтисодиёти даврида фандан илмий-техник жиҳатдан дадиллик, изланиш ҳамда аниқ хулоса, натижалар олишни талаб қилар, ижтимоий ҳаётда фан ютуқларининг мавқеи ортиб бораётган шароитда фан тармоқлари ҳаётнинг барча соҳаларига тобора чуқурроқ кириб, кундалик турмушнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилишига қаратилган эди.

Шундай қилиб, иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, давлат илм-фаннинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласини четда қолдирмади. Натижада, олий таълим тизимида фаннинг ривожини учун зарур маблағлар мустақилликнинг илк йиллариданоқ ажратила бошланди. Масалан, олий таълимга ажратилган маблағлардан ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети (ЎЗМУ)га 1993 йилда 14 млн. 200 минг рубллик ускуналар харид қилинди. Ўтказилган инвентаризация натижасида 2,5 млн рубллик эскирган ускуна ва жиҳозлар ҳисобдан чиқарилди. Ҳисоблаш техникаларини таъмирлаш ва уларга сервис хизмат кўрсатиш учун 4 млн. рублга маблағ сарфланди ва ҳ.к. Лекин ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ҳақиқий шарт-шароитлар 1990-йиллар ўрталарида, республика

¹ Васиева Д. Ўзбекистон университетларида илмий тадқиқот ишларининг ўрни ва халқаро ҳамкорлик. Т., 2020. – 68 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1992 йил, июль. – Б. 68–71.

иқтисодиёти чуқур таназзулдан чиқа бошлаганидан сўнг вужудга келди. Уларнинг моддий ва молиявий таъминоти яхшилана борди³.

Республикада илм-фаннинг ривожини учун давлатнинг қўмағи, халқаро ҳамкорлик асосида илмий тадқиқот фаолиятининг жонланиши ва бошқа сабаблар таъсирида 1994-1998 йилларнинг ўзида фан докторларининг сони 8% га кўпайди ва 2500 нафарни ташкил этди, фан номзодлари эса 9% га кўпайиб, 15500 нафарга етди⁴.

ЎзМУнинг илмий тадқиқот фаолияти ташкил этилиши жиҳатидан республиканинг бошқа университетларидагидан ажралиб туради. Бу олий даргоҳда 1990 йиллар бошида 12 та ихтисослашган кенгаш фаолият олиб борди, унинг 7 тасида 14 та ихтисослик бўйича докторлик ва 5 тасида шунча ихтисослик бўйича номзодлик унвони берилди. Биргина 1994 йилнинг ўзида ушбу кенгашларда табиий ва гуманитар фанлар бўйича 12 та докторлик ва 93 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Шундан 3 та докторлик ва 25 та номзодлик иши ҳимоялари ЎЗМУ ходимлари ҳиссасига тўғри келди. 90-йиллар ўрталарига қадар ЎЗМУда 21 та ихтисослик бўйича докторант ва 101 та йўналишда аспирантлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 1995 йилнинг 1 январь кунига ҳисоблаганда университет докторантурасида 27 ва аспирантурасида 358 нафар тадқиқотчи, шундан 264 нафари кундузги ва 94 нафари сиртқи бўлимда фаолият олиб борди⁵.

Ўзбекистон Миллий университетида мустақилликнинг дастлабки йилларида олийгоҳда 13 та факультет ҳамда 7 та кафедралар фаолият кўрсатди. Бу даврда университетда 56 та бакалаврият таълим йўналишлари бўйича 14072 нафар ҳамда 91 та магистратура мутахассисликлари бўйича 888 нафар (шундан қизлар 406) талабалар таҳсил олди. Университетда 118 та хорижий ОТМ ва ИТИ лар билан илмий ҳамкорлик шартномалари тузилди, улар доирасида 2018-2019 йиллари 60 нафар талаба, магистр ва докторантлар стажировкага ҳамда 114 нафар профессор-ўқитувчиларнинг стажировка ва малака ошириш курсларига юборилди. Университетда 3486.345 млн. сўмлик жами 12 та хорижий грантлар фаолияти йўлга қўйилди. 408.186 млн. сўмлик битта хорижий инвестиция жалб этилган. Буларнинг барча университет фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилди. Университет фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, ЎЗРФА Ион-плазма ва лазерли технологиялар институти, Республика таълим маркази, ЎЗРФА Сейсмология институти, Картография Давлат илмий ишлаб чиқариш корхонаси, ЎзГАНЛИТИ, Давергеодезкадастр қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси ФВВ ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази билан ҳамкорлик қилди⁶. 68 та мутахассислик кафедралари турли ташкилотлар билан фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш режасини тузди.

³ Васиева Д. Ўзбекистон университетларида илмий тадқиқот ишларининг ўрни ва халқаро ҳамкорлик. Т., 2020. – 68 б.

⁴ Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон – 99. UNDP. – Т., 2000. – Б. 25.

⁵ Васиева Д.И. Кўрсатилган асар.– Б. 10-15..

⁶ Ўзбекистон Миллий университети жорий архиви материаллари.

Ўзбекистон Миллий университетида талабалар учун жами 110 та ўқув лабораториялар, 32 та ўқув-илмий лабораториялар, 3 та ўқув-илмий экспериментал марказ, 28 та компьютер синфлари, 23 та лингафон хоналари фаолият кўрсатди. 2018 йил 20 октябрда Ўзбекистон Миллий университетида Молекуляр биология дисциплиналар лабораторияси очилди.

Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги лойиҳалар бўйича эришилган энг муҳим илмий натижалар Давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида амалга оширилган тадқиқотлар натижасига кўра 2019 йилда давлат бюджетидан молиялаштирилган жами 103 та лойиҳа амалга оширилди. Университетда жами 119 та, шундан, 7428612,7 млрд. сўмлик, шундан, 45 та фундаментал, 32 та амалий, 16 та ёш олимлар, 3 та инновацион лойиҳалар, жами 373 млн. сўмлик 5 та Ўзбекистон-Россия халқаро гранти ҳамда 197320.7 млн. сўмлик 16 та хўжалик шартномалари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Математика факультетида 2019 йили Давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида 7 та фундаментал, 4 та амалий ва 2 та ёшлар, 6 та халқаро гранти лойиҳалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Ўзбекистон Миллий университети Физика факультетида ЮНЕСКО кафедраси очилди. Мазкур кафедра астрономия ва физика фанининг назарий муаммолари устида изланишлар олиб борди⁷. Ушбу ташкил этилган кафедрага ЮНЕСКО томонидан тадқиқотларга зарур бўлган техникавий жиҳозлар тақдим этилди. Шу билан бир қаторда ЮНЕСКОнинг яна бир кафедрасини очиш мақсадида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида 1998 йилда инсон ҳуқуқлари, демократия, бирдамлик ва халқаро ҳамжиҳатлик йўналишида тадқиқотлар олиб бориш бўйича ҳужжат имзоланди⁸.

2017-ўқув йилида ЎЗМУ дан 5 нафар ўқитувчи ва ходимлар Буюк Британия, Германия, Италиянинг етакчи университетларига докторантурада (PhD) ўқишга юборилди. Умрзоқов Ғуломжон Германиянинг Гессинг университетида кишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олди⁹. 2019 йили эса университетнинг информатика кафедраси аъзолари Erasmus+ дастури DSinGIS - "Геоинформатика соҳасида докторантура" гранти доирасида докторант К. Беканов (Германияда) малака оширди¹⁰. М.Арипов Испания давлатининг Ла Коруня университетида Erasmus + лойиҳаси доирасида семинар-тренингда иштирок этди. Шу билан бир вақтда у хорижий давлатлар илғор тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш, маълумотлар базаси ва ахборот ресурсларини яратиш билан танишиб келди.

DAAD фонди доирасида Ўзбекистон Миллий университети ва Фарғона давлат университетида германиялик мутахассислар маърузалар ўқидилар. Ўзбекистон Миллий университети (ЎЗМУ) ва Жаҳон тиллари университети қошида жойлашган

⁷ Муътабар зиё маскани (1918 – 2008). – Тошкент, 2008. – Б.102.

⁸ Рахимов М.А. Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан кўп томонлама ҳамкорлиги // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. – Т., 2000. – Б. 196 – 197.

⁹ Ўзбекистон Миллий университети жорий архиви. Университетнинг 2017 йил илмий-тадқиқот ишлари ҳисоботи папкасидан.

¹⁰ Ўзбекистон Миллий университети жорий архиви. Университетнинг 2019 йил илмий-тадқиқот ишлари ҳисоботи папкасидан.

лингфон факультетларида германиялик ўқитувчилар тил бўйича ассистентлик қилди¹¹.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг “ЎЗМУ хабарлари”, “Фалсафа ва ҳуқуқ” илмий журналлари республика миқёсидаги нуфузли нашрлардан биридир. 2017 йилдан бошлаб журнал 3 бўлимга бўлинган ҳолда чоп этилиб борди. Журналда илмий-тадқиқот ишларининг натижалари, ечимини кутаётган масалалар акс этган мақолалар, бошқа мамлакатлардаги фан ва техникага оид янгиликлар, ЎЗМУ ва бошқа олий ўқув юртларида ўтказиладиган конференциялар ва анжуманлар ҳақида ахборотлар, илмий хабарлар чоп этилди¹².

References:

1. Васиева Д. Ўзбекистон университетларида илмий тадқиқот ишларининг ўрни ва халқаро ҳамкорлик. Т., 2020. – 68 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1992 йил, июль. – Б. 68–71.
3. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон – 99. UNDP. – Т., 2000. – Б. 25.
4. Ўзбекистон Миллий университети жорий архиви материаллари.
5. Муътабар зиё маскани (1918 – 2008). – Тошкент, 2008. – Б.102.
6. Рахимов М.А. Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан кўп томонлама ҳамкорлиги // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. – Т., 2000. – Б. 196 – 197.
7. Ўзбекистон Миллий университети жорий архиви. Университетнинг 2019 йил илмий-тадқиқот ишлари ҳисоботи папкасида.
8. Kurze Einführung in das Hochschulsystem und die DAAD – Aktivitäten | 2018. – В.7.
9. Ўзбекистон Миллий университети жорий архиви. Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимининг 2017 йил ҳисоботлари маълумотномаси папкаси.
10. Ташпулатов, Б. Ш. "История Медицинских Институтов Узбекистана." *ББК 1 E91* (2020): 215.
11. Tashpulatov, B. S. (2022). LOOKING AT THE HISTORY OF MEDICAL EDUCATION SYSTEM (ON THE EXAMPLE OF UZBEKISTAN). *Gospodarka i Innowacje*, 23, 176-181.
12. Муминова, Га Э., and О. Р. Очилова. "НАРОДНОЕ МЕДИЦИНА И КОСТОПРАВСТВА." *ББК 1 E91* 209 (2020).
13. MUMINOVA, GAVKHAR ESANOVNA. "THE ORGANISATIONAL BASIS AND RESULTS OF THE PROCESS OF COMBATING EPIDEMICS IN UZBEKISTAN DURING THE SOVIET ERA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021): 1-8.

¹¹ Kurze Einführung in das Hochschulsystem und die DAAD – Aktivitäten | 2018. – В.7.

¹² Ўзбекистон Миллий университети жорий архиви. Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимининг 2017 йил ҳисоботлари маълумотномаси папкаси.